

ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ТАЪЛИМИ МАЗМУНИНИ УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ ВА ТАЛАБЛАРИ

Ахмедов Ф.К.
ЖДПУ профессори

Аннотация: Мазкур маколада таълим тизимида жисмоний маданият таълимнинг урни ва аҳамияти юзасидан маълумотлар берилган. Шунингдек жисмоний маданият таълимининг умумий урта мактабларда уқитилишини такомиллаштиришда хорижий тажрибалардан фойдаланиш, фан дастурларини миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган материаллар билан такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган

Калит сўзлар: жисмоний тарбия, жисмоний таълим, спорт таълими, жисмоний маданият, жисмоний маданият таълими, умумтаълим мактаблари, фан дастурлари, миллий қадриятлар, умуминсоний қадриятлар

THE NEED AND REQUIREMENTS OF IMPROVING THE CONTENT OF PHYSICAL CULTURE EDUCATION ON THE BASE OF UNIVERSAL VALUES

Abstract: This article provides information on the place and importance of physical education in the education system. It also provides suggestions for using foreign experience in improving the teaching of physical education in secondary schools, and improving subject curricula with materials based on national and universal human values.

Key words: Physical education, physical education, sports education, physical culture, physical education education, comprehensive schools, scientific programs, national personnel, general humanitarian personnel.

НЕОБХОДИМОСТЬ И ТРЕБОВАНИЯ ПОВЫШЕНИЯ СОДЕРЖАНИЯ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ НА ОСНОВЕ УНИВЕРСАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ

Аннотация: В статье рассматриваются место и значение физического воспитания в системе образования, а также даются предложения по использованию зарубежного опыта для совершенствования преподавания физической культуры в средних общеобразовательных школах, а также по совершенствованию учебных программ по предметам, основанным на национальных и общечеловеческих ценностях.

Ключевые слова: Физическое воспитание, физическое образование, спортивное образование, физическая культура, физкультурное образование, общеобразовательные школы, научные программы, национальные кадры, общегуманитарные кадры.

Аҳолининг жисмоний жиҳатдан саломатлиги жамиятни ҳар томонлама тараққиётини, турмуш фаровонлигини оширишга, маърифат ва маънавиятни ривожлантиришга, давлатнинг куч қудратини оширишга хизмат қилади. Таълим ва тарбия тизимининг таркибий қисми бўлган жисмоний маданият таълими жамият аъзоларининг ҳар томонлама баркамоллигини ва фаоллигини таъминлашда ўзига хос аҳамиятга эга. Буни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт таълими асосида аҳоли жисмоний маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг қатор фармон ва қарорларини мисол келтириш мумкин. Жумладан: Президентининг 2024- йил 15-ноябрдаги “Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия фани ўқитилишини тубдан такомиллаштириш ҳамда ушбу фан ўқитувчиларининг касбий фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” №-392 қарори бу борада муҳим аҳамиятга эга. Ушбу қарорда мактабда жисмоний тарбия дарсларини ўқитишни янада ривожлантириш, жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг касбий маҳорати ва малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, ўқувчиларни бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида мактаб спорт клублари фаолиятини йўлга қўйиш, 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб ДТС асосида 5-11 синфлар учун ўқитувчиларга мўлжалланган ўқув методик қўлланмалар ишлаб чиқиши каби қатор устувор вазифалар белгилаб берилган. Шунингдек жорий йилнинг 13-феврида Президентимизнинг “Олимпия ва паралимпия спорт турларини янада ривожлантириш, оммавий спортни янги босқичга олиб чиқиш” юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида ҳам соҳа вакиллари ва мутасаддиларга катта вазифалар белгилаб берди.

Ушбу фармон ва қарорларнинг ва Давлат раҳбари томонидан берилаётган топшириқларнинг мазмунидан кўриниб турибдики мамлакатимизда барча соҳалардаги каби жисмоний тарбия ва спортда ҳам демократик ёндашувлар ва умуминсоний қадриятларга асосланган ҳолда иш тутилмоқда. Соҳага оид амалдаги барча ҳужжатлар; Ўзбекистон республикасининг таълим тўғрисидаги, жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонунларида, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар мазмуни ҳам миллий ва умуминсоний қадриятларга мос ишлаб чиқилган.

Ваҳоланки жисмоний тарбия ва спорт тарихига оид маълумотларга мурожаат қилинганда баъзи даврларда ундан нотўғри мақсадлар йўлида ҳам фойдаланганлар. Масалан кулдорлик даврида кулдорлар кулларнинг устидан ҳукмронликни кучайтириш ва уларни доимий равишда ўзларига бўйсундириш

мақсадида, кулдорларгина махсус жисмоний машқлар билан мукаммал шуғулланганлар. Шунингдек баъзи агрессив хусусиятга эга давлатлар, ёки айрим жамиятлар бошқалар устидан ҳукмрон бўлиш, босқинчилик мақсадида ҳарбийлаштирилган жисмоний тарбия тизимини жорий этганлар. Аслида жисмоний тарбия ва спортнинг жамиятдаги мақсади фақат инсонпарварликка ва умуминсоний қадриятларга хизмат қилишга қаратилган. Муаммога қаратилган масалаларга мурожаат қилиш асосида, авваламбор бор соҳага оид асосий тушунчага таъриф беришни лозим топдик.

Мутахассислар (Л. П. Матвеев, Б.А.Ашмарин, О.Ю. Масалова, С.Д.Неверчук, Р.Абдумаликов, Х.Рафиев, И.С.Барчуков, А.Абдуллаев, Ф.Қ.Ахмедов в.б) томонидан берилган таърифлар, соҳага оид мавжуд луғатлар ва энциклопедиялардаги маълумотларга таяндик ва жисмоний маданият тушунчасига нисбатан қўйидаги хулосага келдик. Жисмоний маданият умумий маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланиб у жисмоний тарбия, спорт, спорт фаолияти, спорт мусобақалари, жисмоний тайёргарлик, жисмоний ривожланиш, жисмоний тарбия ва спорт таълими унинг воситалари, методлари, спорт иншоотлари, спорт жиҳозлари жисмоний тарбия ва спорт тизими каби соҳага оид барча тушунчалар ва фаолият турларини қамраб олади. Шундай экан жисмоний маданият таълими ўқувчиларга соҳага оид билим кўникма ва малакаларни тизимли тартибда бериш жараёнидан иборат. Шунинг учун ҳам биз мазкур масала юзасидан олиб борадиган фикр мулоҳазаларимизни ўқувчилар жисмоний маданият таълимини ривожлантириш муаммоларига қаратдик. Шунингдек жисмоний тарбия ва спорт таълимини бир сўз билан жисмоний маданият таълими деб номладик. Шу ўринда дунёда аҳолининг, ёки маълум бир давлатнинг, жамоанинг ёки ташкилотда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланганлик даражаси: спорт иншоотларининг мавжудлиги ва уларнинг ҳолати; аҳолининг турмуш тарзига жисмоний тарбия ва спортнинг сингдирилганлик даражаси; спорт мусобақаларидаги эришилган натижалар; аҳолининг саломатлик даражаси каби кўрсаткичларда жисмоний тарбия ва спортни қай даражада ривожланганлигини белгилаб беради. Аҳоли жисмоний маданиятини ривожлантириш ҳам бевосита жисмоний тарбия ва спорт таълими тўғри йўлга қўйиш билан ўз ечимини топади. Ваҳоланки ҳозирги вақтда деярлики бутун дунёда болалар ва ёшлар амалдаги таълим тизимида ўқийди тарбияланади белгиланган босқичларни босиб ўтади ва вояга етади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам замонавий талаблар асосидаги таълим тизими йўлга қўйилган ва у болалар ва ёшларни тўлиқ қамраб олган. Бу тизим ўз ичига мактабгача, умумий ўрта, касб ҳунар ва олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим босқичларини қамраб олади (мактабгача таълимдан ташқари). Ҳар бир таълим тизими босқичи жисмоний маданияти таълими ўзига хос вазифаларни амалга оширади. Тадқиқот жараёнида қатор илмий услубий адабиётлар таҳлил этилди. Шу билан биргаликда баъзи ривожланган мамлакатларнинг таълим тизимида жисмоний маданият таълимининг мақсад вазифалари ўрганилди таҳлил этилди. Асосий эътибор мактабгача ва бошланғич синфлар жисмоний

тарбия ва спорт таълимига қаратилди. Чунки таълимнинг асосий пойдевори айнан шу босқичларда кўрилади. Масалан:

Хитой халқ республикасида жисмоний тарбия тизимида мактабгача ёшдаги болаларни мактабга тайёрлашда қўйидагиларга асосий эътибор қаратилган:

- ёш хусусиятига кўра жисмоний ривожланишнинг асосий босқичи бўлган даврга тайёрлаш;

- боланинг ижтимоий сифатларини шакллантириш (қатъиятлилиқ, тўғри сўзлик, жавобгарлик ҳисси, ҳақиқатгўйлик, ўзаро ҳамкорлик қилиш в.б) Эътибор берсангиз; Ижтимоий сифатларга алоҳида эътибор қаратилган.

- жисмоний машқлар билан шуғулланишга қизиқишини ва фаол турмуш тарзини кечиришни шакллантириш;

- зарурий ҳаракат малакаларини ривожлантириш ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш бўйича дастлабки тушунчаларни бериш.

Япония жисмоний тарбия тизимида кичик мактаб ёшидаги болалар жисмоний тарбияси қўйидаги вазифаларни бажаришини зарур деб ҳисоблайди;

ҳаётий зарур ҳаракатларни ривожлантириш ;

- ақлий ривожлантириш;

- атроф муҳитга ва одамларга тўғри муносабатни шакллантириш;

- умумий тартиб қоидаларга қатъий амал қилишга ўргатиш ;

Финландияда мактабгача ёшдагилар жисмоний тарбиясининг асосий вазифаси:

- болаларни асосий ва зарурий ҳаракат малака, кўникмаларига мослаштириш, такомиллаштириш,

- болаларни жисмоний машқларга бўлган қизиқишларини ошириш,

- болаларда жисмоний тарбия ва спортга онгли ёндашувини шакллантиришдан иборат.

Кўриниб турибдики юқоридаги мамлакатларда мактабгача таълим ва бошланғич синф ўқувчиларига жисмоний маданиятнинг асосий фундаментал билим кўникма ва амаллари берилиши назарда тутилган. Ўрганилган маълумотларга кўра Дунёда аҳоли жисмоний фаоллиги даражаси, Германия, Япония, Хитой, Финландия каби давлатларда юқори. Айнан мана шу давлатларда аҳолининг шифокорларга ва фармакологик маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи ҳам мамлакатимизга нисбатан ўта паст даражада. (ЖССТ нинг берган маълумотларидан олинган маълумот) Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки ушбу мамлакатларда ўқувчиларга етарли даражада жисмоний маданият таълим берилади. Жисмоний маданият таълимини олган шахс албатта соғлигини жисмоний машқлар билан мустаҳкамлаб бориш йўллари билди ва онгли, мақсадли равишда умри давомида мунтазам жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланади, жамоат тартиб қоидаларига тўла амал қилади. Ҳар бир шахснинг саломатлиги бутун мамлакат саломатлигини ташкил этади. Президентимиз айтганидек “ Соғлом инсон – соғлом миллат” умуммиллий ҳаракатини таълим тизимининг бошланғич буғунларидан янгиланган ўқув

дастурлари асосида бошлаш келгусида ўзининг юқори даражадаги ижобий натижаларини беради. Буни қўйидаги формула асосида кўрсатиш мумкин:

Жисмоний таълим + жисмоний тарбия = Жисмоний етуклик.

Спорт талими + Спорт тарбияси = спорт натижалари

Жисмоний таълим + спорт таълим = жисмоний маданият таълими – соғлом турмуш тарзига амал қилиш натижасига эришилади.

(Юқоридаги формуланинг илмий асосланган маълумотлари алоҳида тақдим этилиши режалаштирилган).

Ўзбекистонда ҳам мактабгача ва бошланғич талим ёшидаги болаларнинг жисмоний маданиятининг ўзига хос мақсад вазифалари мавжуд, аммо бу тизимни янада такомиллаштиришга қаратилган замонавий аниқ мақсад вазифаларини белгилаб олиш заруратдан холи эмас. Чунки мамлакатимизда талим тизими тубдан ислоҳ этилиши натижасида мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйилаётган талаблар ҳам янгича бўлишини тақозо этмоқда. Албатта такомиллаштирилган замонавий жисмоний маданиятни жорий этишда шу давргача орттирилган тажрибалар асосида шакллантирилиши ва ривожлантирилиши мақсадга мувофиқ.

Таҳлиллар асосида жисмоний маданият талими тизимини такомиллаштириш юзасидан қўйидаги таклифлар берилади : умумий ўрта талим ўқув режасидаги **жисмоний тарбия** фанининг номланишини **жисмоний маданият таълимига** ўзгартириш; фаннинг ўқув дастури мақсад вазифаларини юқорида келтирилган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш (бунда албатта миллий кадриятлар инобатга олиниши шарт); ўқув дастурини мазмунида нафақат жисмоний ҳаракатларга ўргатиш, спорт турларини ўқитиш, балким; ижтимоий сифатларни тарбиялаш, жамоат қоидаларига амал қилиш кўникмаларини тарбиялаш, гигиена қоидаларига риоя қилиш, тўғри овқатланиш, кундалик режим туза олиш ва унга амал қилиш, асосийси жисмоний машқлардан мустақил равишда онгли ва мунтазам шуғулланиш билим кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратиш ;

Таълим тизими жисмоний маданиятининг кейинги босқичларида ҳам ўзига хос мақсад ва вазифалари белгилаб берилган бўлиб, жисмоний тарбия узлуксиз равишда амалга оширилади. (тизимнинг кейинги босқичларининг мақсад вазифалари муаммолари юзасидан алоҳида маълумотлар берилади) Жисмоний маданиятнинг талим тизимидаги ўрни ва вазифалари ва унинг аҳамиятини нақадар муҳимлигини англаган ҳолда иш юритиш ўзининг самарали натижаларини беради.

Умуман олганда жисмоний маданият таълимини барча ўқув дастури мазмунини Абу Али Ибн Сино таълимотига асосан тузиш; бунда алломанинг белгилаб берган соғлом турмуш тарзининг йўналишлари: жисмоний тарбия, тўғри овқатланиш, чиниқиш, зарарли одатлардан сақланиш, турли стресслардан сақланиш, ўз-ўзини жисмоний жиҳатларини назорат қилиш каби билим

кўникма ва малакаларга оид материаллар асосида тузиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мавжуд таълим тизими давомида жамиятда ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш мақсад қилиб олинган. Шундай экан жисмоний маданият таълимини ушбу тизимнинг ажралмас таркибий қисми сифатида қараш ва уни мунтазам равишда такомиллаштириб бориш зарур. Талим тизимининг барча бўғинлари жисмоний маданиятига алоҳида бир муаммо сифатида қараш ва унинг узвийлигини таъминлаш орқали талим тарбияда кўзланган мақсадга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 ноябрдаги №-392 қарори .
2. Ахмедов Ф.К. Жисмоний тарбия ва спорт назарияси .Т.: 2020 йил 317 бет. Дарслик .
3. Ашмарин Б.А. Теория и методика педагогических исследований в физическом воспитании. Москва 2003 йил. 224 стр. Монография.
4. Барчуков И.С. Теория методика физического воспитания и спорта . Москва 2021 год. 365 стр. Учебник.
5. Гуриев С.В. Теория и методика физического воспитания с практикумом (детей дошкольного и младшего школьного возраста) Москва 211 стр. Учебник.